

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

ТДУ Илмий ишлар ва  
инновациялар бўйича проректор  
Б.К. Абдурахмонова



2021 й.


**08.00.09 – “ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ”**

ихтисослиги бўйича таянч докторонтурага кириш имтиҳони

**ДАСТУРИ**

Дастур Тошкент давлат иқтисодиёт университети 2021 йил  
“ ” даги Кенгашида муҳокама қилинган ва тасдиқланган.

Дастур Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Жаҳон иқтисодиёти”  
кафедрасининг 2021 йил « 5 » 10 даги « 3 » - сон йиғилишида  
муҳокама қилинган ва тавсия этилган

Кафедра мудирини  и.ф.н., доц. Исмаилова Н.С.

Тузувчи: и.ф.н., доц. Исмаилова Н.С.

Такризчилар: и.ф.д., проф. Исламов Б.А.  
и.ф.н., доц. Алимов А.М.

## Кириш

XXI аср интеллектуал ғоя ва инновацион янгиликлар яратиш, ҳозирги кун даври талабига айланган. Замон талаби бўлган юқори сифатли талим бериш, шу орқали иқтисодиёт, илм-фан ва давлатнинг стратегик йўналишдаги ишлаб чиқаришда юқори ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлган кадрлар тайёрлаш долзарб муаммоларга айланган. Шу сабабли мамлакатимизда “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”га мувофиқ илмий – педагогик кадрларни тайёрлаш жараёни, мутахассисларнинг касбий маҳоратини янада ошириш ва малакали иқтисодчи кадрларни замонавий халқаро андозалар талаблари даражасида тайёрлашни тақозо этади.

Мамлакатимизда 2019 йилнинг октябрида Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси қабул қилинди. Ушбу ҳужжатга интеллектуал тараққиётни жадаллаштириш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш ҳамда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантириш сингари вазифалар асос қилиб олинди. Концепция мазмуни мамлакатимиз олий таълим тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини ақс эттиради. Унда олий ўқув юртларида қамров даражасини кенгайтириш ҳамда таълим сифатини ошириш, рақамли технологиялар ва таълим платформаларини жорий этиш, ёшларни илмий фаолиятга жалб қилиш, инновацион тузилмаларни шакллантириш, илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш, халқаро эътирофга эришиш ҳамда бошқа кўплаб аниқ йўналишлар белгилаб берилган. Буларнинг барчаси таълим жараёнини янги сифат босқичига кўтариш учун хизмат қилади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги даъваткор нутқи ҳамда “Янги Ўзбекистон” газетасига берган интервьюлари шундан далолат беради. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, биз кенг кўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислохотлари орқали **Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни учинчи Ренессанс** пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиладик<sup>1</sup>. Бундан ташқари, ушбу ислохотларнинг давоми сифатида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2020 йил 29 декабр куни Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Мамлакат тараққиётининг замини, ҳеч шубҳасиз, илм-фан ва инновациялардир” деб таъкидлашлари ҳам сўнги йилларда ушбу соҳада кенг кўламда эътибор қаратилаётганининг тасдиғи ҳисобланади. Хусусан, ушбу мурожаатда келгуси йилда илм-фан соҳасида

---

<sup>1</sup> <https://review.uz/post/yangi-ozbekiston-demokratik-ozgarishlar-keng-imkoniyatlar-va-amaliy-ishlar-mamlakatiga-aylanmoqda>

олийгоҳлар ва илмий ташкилотлардаги докторантлар сони 4,5 мингтага етказилиши ёки 2017 йилга нисбатан 3 баробарга оширилиши айтиб ўтилди. Ушбу мақсадлар учун бюджетдан қўшимча 240 миллиард сўм ажратилаши режалаштрилганлиги айтилди.

Бундан ташқари, ушбу соҳадаги ислохотлар сифатида илғор халқаро амалиёт асосида доцент ва профессор илмий унвонлари, фалсафа ва фан доктори илмий даражаларини бериш ваколоти ўз йўналиши бўйича нуфузли бўлган олийгоҳларнинг илмий кенгашларига ўтказилиши таъкидланди<sup>2</sup>.

Ҳозирги глобаллашув даврида жаҳон иқтисодиёти соҳасидаги халқаро тажриба ва андозаларни мамлакатимиз таълим тизимида қўллаш бўйича ишларни олиб бориш ҳозирги куннинг энг долзарб масаласи бўлиб ҳисобланади.

Ушбу дастурда келтирилган мавзу ва масалалар бозор иқтисодиёти ва халқаро рақобатнинг тобора кучайиб бораётганлиги шароитида жаҳон иқтисодиёти соҳасидаги назарий ёндашувлар ва халқаро иқтисодиёт кўламида рўй бераётган амалий жараёнларнинг ҳозирги ҳолати, шунингдек хорижий мамлакатларда тўпланиб бораётган замонавий тажрибага асосланади.

Дастурда қўйилган мавзу ва масалалар “Жаҳон иқтисодиёти” ихтисослиги бўйича даъвогарларнинг фақатгина шу соҳадаги умумий билим даражасини аниқлаш билан чекланмасдан, балки шу соҳадаги муаммолар ва уларнинг ечимларини топиш бўйича билимга эга эканлигини намойиш эта олишини талаб қилади.

Мазкур масалалар бўйича назарий муаммолар фан докторлигига даъвогарларнинг шахсий қарашларини шаклланишини юзага чиқаришга қаратилган.

Дастур 08.00.09 – “Жаҳон иқтисодиёти” ихтисослиги паспортига тегишли бўлган барча масалаларни ўз ичига қамраб олади. Ушбу дастур 08.00.09 – “Жаҳон иқтисодиёти” ихтисослиги бўйича таянч докторантурага мутахассислик фанидан кириш имтиҳони топширувчилар учун мулжалланган.

---

<sup>2</sup> <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

# **ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ**

## **1. Жаҳон хўжалигининг моҳияти, шаклланиш ва ривожланиш босқичлари**

Жаҳон хўжалигининг моҳияти. Жаҳон хўжалигининг иқтисодий ривожланиш тарихи. Жаҳон бозорининг шаклланиши. Жаҳон хўжалиги тизими ривожланишининг асосий босқичлари. Жаҳон хўжалигида Иккинчи жаҳон урушидан сўнг “иқтисодий мўъжиза”ларнинг вужудга келиши ва уларнинг асосий омиллари. Иқтисодиётни таркибий қайта қуришни кўллаб-қувватлашда давлатнинг роли. Монополистик иттифоқлар ва жаҳон конъюнктураси. XX асрнинг иккинчи ярмида жаҳон хўжалиги: «Марказ» ва «периферия» тушунчаси. Халқаро рақобат - жаҳон бозорининг ажралмас бир қисми сифатида. Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши ва халқаро рақобатнинг кучайишида фан-техника тараққиёти (ФТР)нинг роли. Жаҳон хўжалигининг трансмиллийлашуви ва глобаллашуви.

## **2. Дунё мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига кўра классификацияланиши. Жаҳон иқтисодиёти марказлари**

Жаҳон хўжалиги субъектларининг жаҳон иқтисодиётидаги ўрнини белгиловчи кўрсаткичлар тизими. Дунё мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига кўра классификацияланиши. БМТ ҳамда халқаро иқтисодий ташкилотларнинг гуруҳлаш тамойиллари. Миллий иқтисодиётларнинг жаҳон хўжалиги алоқаларидаги ўрни ва уларнинг макроиқтисодий кўрсаткичлар орқали баҳоланиши. Мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ёки ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) ҳажмига кўра ифодаланиши. Аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни тўғри келиши, ўртача иш ҳақи миқдори, ташқи савдо операцияларининг ҳажми, капитал ҳаракати кўрсаткичлари, ташқи қарздорлик миқдори ва ҳ.к.лар. Жаҳон иқтисодиётида саноати ривожланган, ривожланаётган ҳамда ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари гуруҳи.

## **3. Жаҳон бозори ва унинг конъюнктураси**

Жаҳон бозори ва жаҳон товарлар бозори конъюнктураси тушунчаси. Конъюнктурани шакллантирувчи омиллар ва жаҳон товар бозорлари конъюнктураларини ўрганиш услубиёти. Жаҳон бозорида хом ашё товарлари савдоси ва хом ашё товарлари бозори конъюнктураси тадқиқотининг ўзига хос хусусиятлари. Жаҳон нефть ва нефть маҳсулотлари бозорида нарх шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари. Товар бозори конъюнктурасини истиқболлаш бўйича асосий ёндашувлар. Маркетингда жаҳон товар бозорлари конъюнктураларини истиқболлаш. Жаҳон молиявий бозорларнинг таҳлили, мақсади ва асосий вазифалари.

Жаҳон бозорида экспортнинг турлари ва уларнинг хусусиятлари. “COVID-19”нинг жаҳон хом ашё бозорларига салбий таъсири.

#### **4. Замонавий иқтисодий тизимлар. Ривожланишнинг асосий макроиқтисодий моделлари**

Замонавий иқтисодий тизимлар ва уларнинг ривожланиш қонуниятлари. Замонавий иқтисодий ўсиш омиллари. Глобал ва минтақавий тараққиёт моделлари. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий макроиқтисодий моделлари. Неолиберал иқтисодий ривожланиш модели. Иқтисодий ривожланишнинг ижтимоий бозор хўжалиги модели. Иқтисодий ривожланишнинг Шарқий Осиё модели. Иқтисодиётнинг очиқлиги ва рақобатбардошлиги.

#### **5. Жаҳон иқтисодиётида саноати тараққий этган мамлакатлар**

Саноати ривожланган давлатларнинг асосий белгилари, гуруҳланиши ва ривожланиш моделлари. Тараққий топган давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденциялари. Ғарб давлатларининг индустриал ва иқтисодий ривожланиш жиҳатдан дифференциациялашуви. Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётининг таркиби. АҚШ, Япония ва Ғарбий Европа давлатларнинг иқтисодий ривожланиш моделлари. Ички бозорлар ҳажми ва ривожланиш даражаси. Истеъмол талаби. Ишлаб чиқариш талаби. Таклиф структураси. Ички бозорларнинг институционал структураси. Ички нархлар динамикаси. Ривожланган мамлакатларда “янги иқтисодиёт”нинг шаклланиши. Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида давлатнинг роли. Жаҳон хўжалигида ривожланган давлатларнинг иқтисодий салоҳиятлари ва ривожланган давлатларнинг гуруҳи. “Катта еттилик” ва “Катта йигирматталик” давлатларининг жаҳон хўжалигида тутган ўрни. Халқаро ташкилотлар ва ривожланган мамлакатларнинг миллий иқтисодиётларни соғломлаштириш чоратадбирлари. Замонавий жаҳон иқтисодиётида Ғарбий Европанинг асосий иқтисодиёт тармоқлари.

#### **6. Ривожланаётган мамлакатлар – жаҳон хўжалиги тизимида**

Ривожланаётган мамлакатларнинг асосий белгилари ва гуруҳланиши. Ривожланаётган давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан дифференциациялашуви. Ривожланаётган давлатларнинг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрни. Бозорлар ҳажми ва ривожланиш даражаси. Истеъмол талаби. Ишлаб чиқариш талаби. Таклиф структурасидаги ўзгаришлар. Ривожланаётган давлатлар ички бозорларининг ўзига хос хусусиятлари. Жаҳон ишлаб чиқаришда ривожланаётган давлатлар. Ривожланаётган давлатларнинг халқаро меҳнат тақсимоотида тутган ўрни.

Ривожланаётган давлатларнинг халқаро ишчи кучи миграцияси ҳамда халқаро капитал миграциясида тутган ўрни. Жаҳон хўжалигида Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги ривожланаётган давлатларнинг тутган ўрни. Ривожланаётган мамлакатларда саноатлаштириш моделлари. Ривожланаётган давлатлар ташқи иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишлари. Ташқи савдода протекционизм сиёсати. Ривожланаётган давлатларнинг замонавий ривожланиш хусусиятлари. Ривожланаётган мамлакатларда турмуш даражасининг пастиги: унинг тавсифи ва асосий омиллари. Пандемиянинг жаҳон аграр соҳаси ва озиқ-овқат хавфсизлигига таъсири.

### **7. Жаҳон иқтисодиётида “янги индустриал мамлакатлар”**

Янги индустриал давлатларга умумий тавсиф. Янги индустриал мамлакатларнинг гуруҳланиши. “Янги индустриал давлатлар гуруҳи”га мансубликни ифодалувчи асосий иқтисодий мезон ва кўрсаткичлар тизими. Янги индустриал давлатларнинг иқтисодий ривожланиш моделлари. Осиё -Тинч океан минтақаси ва Лотин Америкасидаги янги индустриал давлатлар. Янги индустриал давлатлар халқаро меҳнат тақсимоти, халқаро капитал ва ишчи кучи миграцияси тизимида. Жаҳон хўжалигида “Тўрт аждарҳо мамлакатлари” ва Лотин Америкаси “Янги индустриал мамлакатлар”нинг иқтисодиёти. Янги индустриал мамлакатлар иқтисодиётида ТМКнинг роли. Янги индустриал мамлакатлар – халқаро меҳнат тақсимоти тизимида.

### **8. BRICS мамлакатлари иқтисодиёти**

BRICS атамаси, унинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий мазмуни. BRICS мамлакатларининг жаҳон иқтисодиёти тизимидаги мавқеи. BRICS мамлакатлари иқтисодиётининг таркиби ва ривожланиш тенденциялари. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг BRICS мамлакатлари иқтисодиётига таъсири. BRICS мамлакатларининг замонавий ривожланиш тенденциялари. BRICS мамлакатларининг ўзаро ҳамкорлиги истиқболлари. COVID-19ни BRICS мамлакатлари иқтисодиётига таъсири.

### **9. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари – жаҳон иқтисодиёти тизимида**

Бозор иқтисодиётига ўтиш зарурати, мақсади ва принциплари. Бозор иқтисодиётига ўтишда давлатнинг вазифалари. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларининг гуруҳланиши. Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида амалга оширилган иқтисодий ислохотлар моделлари ва уларнинг натижалари. Ўтиш иқтисодиётининг бир хўжалик юритиш тизимининг бошқасига алмашилиши. Замонавий босқичда ўтиш даври

иқтисодиёти Европа ва Осиёдаги собиқ социалистик мамлакатларга (КХДР бундан мустасно) хос. Ўтиш иқтисодиётининг бир бутун яхлит эмаслиги. Ўтиш иқтисодиёти шароитида барқарор ўсиш механизмларининг издан чиқиши. Миллий хўжалик ҳолатининг барқарор ва турғун эмаслиги. Ўтиш даврида халқаро иқтисодий ташкилотлар томонидан тавсия этиладиган классик тамойиллар.

#### **10. МДХ мамлакатлари – жаҳон хўжалиги тизимида**

МДХ мамлакатлари ўтиш иқтисодиёти мамлакатларининг йирик бўғини сифатида. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) тузилиши. Иқтисодий ислохотлар суръатига кўра гуруҳланиши. МДХ мамлакатларида бозор муносабатларининг шаклланиши. Бозор ўзгаришларининг асосий йўналишлари ва натижалари. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларининг бозор иқтисодиётига ўтиш йўллари. Ўтиш иқтисодиётининг МДХ мамлакатларига кўрсатган салбий таъсири. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг жаҳон иқтисодиётидаги ўрни. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасидаги ташқи иқтисодий алоқалар ва интеграцион жараёнлар.

#### **11. ЕвроОсиё Иқтисодий Иттифоқи халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида**

ЕОИИнинг иқтисодий ташкилотининг асосий мақсади ва моҳияти. ЕОИИ доирасида Россия, Қозоғистон, Беларусь, Арманистон ва Қирғизистон ҳамкорлиги. ЕОИИда аъзо мамлакатлар мамлакатимизнинг асосий савдо шериклари. Евроосиё Иқтисодий Иттифоқи “2025 йилгача саноат кооперациясининг асосий йўналишлари” янги стратегик ҳужжатининг моҳияти. Ўзбекистон ва Евроосиё Иқтисодий Иттифоқи муносабатларининг зарурияти, моҳияти, мазмуни ва ривожланиш хусусиятлари. Мамлакатимизни Евроосиё Иқтисодий Иттифоқига аъзо бўлиш ёки бўлмаслик қай даражада манфаатли, иқтисодий оқибатлари таҳлили. Евроосиё иқтисодий иттифоқи ва Ўзбекистоннинг аъзо бўлиш имкониятлари ва истиқболлари Евроосиё мамлакатларининг интеграциялашувида “Бир макон – бир йўл” стратегиясининг аҳамияти.

#### **12. Янги Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётидаги ўрни**

Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти ва имкониятлари. Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг тараққиётида халқаро молия ташкилотларининг ўрни. Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиётида Осиё тараққиёти банкининг ўрни ва иқтисодий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари. Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалигига интеграциялашуви ва халқаро ташкилотлар билан иқтисодий ҳамкорлигининг ўрни. Евроосиё иқтисодий



иттифоқи ва Ўзбекистоннинг унга аъзо бўлиш имкониятлари ва истиқболлари. Ўзбекистон Республикасининг жаҳон мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларининг ривожланиши.

### **13. Янги Ўзбекистонни ташқи иқтисодий фаолиятининг ривожланиши**

Янги Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланиш ўзига хос хусусиятлари. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг пухта ишлаб чиқилганлиги. Иқтисодиётдаги чуқур таркибий ўзгаришлар. Миллий иқтисодиётнинг таркиби ва жаҳон иқтисодиётидаги ўрни. Самарали ташқи савдо ва инвестиция жараёнлари. Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқаларининг таркиби ва ривожланиш динамикаси. Ўзбекистонда ЯИМ ҳажмининг ўсиши. Ўзбекистонда ЯИМнинг ўсиши ва харид қобилияти паритети. ЯИМда иқтисодий тармоқлар таркиби. Ўзбекистонда ташқи савдо айланмаси. Ўзбекистон Республикаси ташқи савдосининг товар таркиби. Пандемиянинг Ўзбекистон миллий иқтисодиёти ривожига таъсири ва инқирозга қарши курашиш чора-тадбирлари. Пандемия шароитида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортининг салоҳияти. Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари. Ўзбекистон Европа Иттифоқи тузилмалари билан яқин ҳамкорликда мамлакатимизга кенгайтирилган савдо преференциялари – “GSP+” тизимини татбиқ этиш.

### **14. Жаҳон хўжалиги ва замонавий халқаро иқтисодий муносабатлар – ягона тизим сифатида**

Замонавий жаҳон хўжалиги, унинг асосий субъектлари. Унинг вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари. Иқтисодчи олимларнинг жаҳон хўжалиги тўғрисидаги фикрлари. “Жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви” тушунчаси ва унинг моҳияти. Глобаллашувнинг ижобий ва салбий оқибатлари. Замонавий жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг объекти ва субъекти. Замонавий халқаро иқтисодий муносабатларнинг асосий шакллари. Халқаро иқтисодий муносабатлар тизими ривожланишининг умумий хусусиятлари.

### **15. Халқаро меҳнат тақсимоти. Ихтисослашув ва кооперация.**

Халқаро меҳнат тақсимоти халқаро иқтисодий белгиловчи асосий меъзон сифатида. Меҳнат тақсимоти - тарихан белгиланган ижтимоий меҳнат тизими эканлиги. ХМТнинг чуқурлашуви, илмий-техника инқилобнинг (ИТИ) таъсири. ХМТ-жамият ривожланишининг фаолиятини сифат жиҳатдан дифференциацияси эканлиги. Халқаро

меҳнат тақсимоти давлатлараро меҳнатнинг ижтимоий-ҳудудий тақсимоти эканлиги. ХМТ ва давлатлараро ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви. Ишлаб чиқаришнинг халқаро ихтисослашуви ва кооперациялашуви. Қўшма корхоналар кооперациялашув белгиси сифатида.

## **16. Халқаро меҳнат тақсимоти ривожланишининг асосий кўрсаткичлари**

Халқаро меҳнат тақсимоти ривожланишини ўлчашнинг услубий асослари. Жаҳон мамлакатларининг халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этиш даражасининг асосий кўрсаткичлари. Минтақаларнинг алоҳида мамлакатлар ташқи иқтисодий алоқалари тизимидаги ўрнини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими. Экспорт квотаси ўлчовини аниқловчи омиллар. Глобал трансформациялашув шароитида халқаро меҳнат тақсимотидаги ўзгаришлар.

## **17. Товарлар ва хизматлар халқаро савдоси, унинг халқаро иқтисодий муносабатлар тизимидаги роли**

Халқаро савдо – халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида. Товарлар халқаро савдоси динамикаси: унинг жуғрофий тузилиши ва товар таркиби. Халқаро савдони диверсификацияси. Замонавий жаҳон иқтисодиётида хизматлар халқаро савдосининг моҳияти. Хизматлар классификацияси. Халқаро хизматлар савдоси динамикаси ва таркибий тузилиши. Хизматлар савдосининг давлат томонидан ва халқаро тартибга солиниши. Хизматлар савдоси бўйича бош келишув. “COVID-19” халқаро савдо трансформациялашувига таъсири.

## **18. Халқаро туризм ва халқаро транспорт хизматлари**

Халқаро туризм, унинг асосий шакллари. Халқаро туризмнинг ўзига хос хусусиятлари. Сайёҳлик маҳсулотлари ва хизматларини таклиф этувчи фирма ва корхоналар. Халқаро туризмнинг ривожланиши. Халқаро сайёҳлик бизнеси ташкилоти. Халқаро сайёҳлик ташкилоти (ХСТ). Жаҳон бозорида транспорт хизматлари ва унинг асосий кўринишлари. Денгиз транспорти. Денгизда юк ташиш. Денгизда юк ташишнинг халқаро миқёсда тартибга солиниши. Халқаро денгиз ташкилоти. Ҳаво транспорти. Халқаро ҳаво юкташуви. Ҳаво юкташувчилари. Ҳавоюкташувига хизмат кўрсатиш. Ҳаво юк ташувини халқаро миқёсда тартибга солиш. Фуқаролар авиацияси халқаро ташкилоти (ИКАО). Фуқаролар авиацияси интақавий ҳукуматлараро ташкилоти. Ҳаво транспорти халқаро Ассоциацияси (ИАТА).

## **19. Технологиялар халқаро бозори**

Халқаро технологик алмашинув ва унинг амалга оширилиш шакллари. Лицензия савдоси. Лицензия объектлари. Лицензия савдосининг ҳозирги ҳолати. Лицензия савдосини ташкил қилиш. Интеллектуал мулк ҳуқуқининг халқаро тартибга солиниши. Европа патент ташкилоти (ЕПО) ва унинг фаолият юритиш механизми. Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (ВОИС) ва унинг фаолият юритиш механизми. Технологик алмашинувнинг бошқа шакллари.

## **20. Халқаро капитал ҳаракатининг замонавий кўринишлари**

Капитал олиб чиқишнинг моҳияти. Халқаро капитал ҳаракати: XX аср охири-XXI аср бошларидаги ривожланиш аломатлари ва шакллари. Капитални хорижга инвестиция қилишнинг янги шакллари ва субъектлари. Капиталнинг чорраҳавий ҳаракати. Ривожланишга расмий ёрдам. Капиталнинг четга чиқиб кетиши муаммоси. Халқаро капитал ҳаракатини давлат томонидан тартибга солиш. Халқаро капитал ҳаракатини халқаро (халқаро-ҳуқуқий) тартибга солиш. Савдо билан боғлиқ инвестиция чора-тадбирлари тўғрисидаги битим.

## **21. Халқаро ишчи кучи миграцияси. Демографик муаммолар**

Аҳоли миграциясининг дастлабки кўринишлари. Халқаро ишчи кучи миграцияси - халқаро иқтисодий муносабатларнинг таркибий қисми сифатида. Халқаро ишчи кучи миграциясида меҳнат миграциясининг роли. Аҳоли миграциясининг иқтисодий сабаблари. Саноати ривожланган мамлакатлар саноат тармоқларининг ривожланаётган давлатлар ишчи кучлари ҳисобига ривожланиб бориши. Жаҳон хўжалигида миллий ишчи кучлари бозорлари базасида ташкил топган минтақавий ишчи кучи бозорлари. Жаҳон ишчи кучи бозорлари ва XXI асрда унинг ривожланиш аломатлари.

## **22. Халқаро молия, валюта-кредит муносабатлари тизими**

Жаҳон валюта-молия тизимининг хусусиятлари. Халқаро валюта муносабатларининг асосий иштирокчилари: тижорат ва инвестиция банклари, марказий банklar, банкдан ташқари институтлар, брокерлик фирмалари, халқаро валюта-кредит ва молия ташкилотлари, хусусий шахслар. Валюта бозори турлари. Миллий, ҳудудий ва жаҳон валюта бозорлари. Валюта операциялари асосий типларининг тавсифи. Халқаро валюта тизими. Валюта курси режими. Давлатлараро миқёсда валюта муносабатларининг тартибга солинишида глобал ва ҳудудий валюта-молия ташкилотларининг тутган ўрни. Халқаро валюта фонди - жаҳон валюта-молия тизимининг етакчи институти.

### **23. Халқаро ҳисоб-китоб шакллари**

ХИМ соҳасида валютавий ҳисоб-китоб муносабатларининг моҳияти. Халқаро ҳисоб-китоб шакллари: валюта клиринги, махсус қарз олиш қоидаси, аккредитив, банк ўтказмалари, инкассо. Халқаро кредит муносабатлари. Ташқи қарздорликнинг моҳияти. Замонавий жаҳон иқтисодиётида ташқи қарздорлик муаммоси. Режали иқтисодиёт шароитидаги ташқи қарздорлик муаммоси. Ташқи қарзлардан қутулиш йўллари. Тўловларни фоизлари билан тўлашда ликвидли ресурсларнинг етишмаслиги муаммоси.

### **24. Халқаро корпорациялар ва молия-саноат гуруҳлари – ХИМ субъектлари сифатида**

Жаҳон хўжалигида трансмиллий корпорацияларнинг вужудга келиши ва ривожланиши. Жаҳон хўжалигида ТМКлар фаолиятининг асосий хусусиятлари. Халқаро корпорациялар фаолиятининг асосий йўналишлари. Халқаро корпорацияларнинг моҳияти, тузилмаси ва кўринишлари ТМКларнинг иқтисодий афзалликлари. Халқаро ТМКларнинг ташкил топиши ва шаклланиш босқичлари ҳамда ривожланиши. Халқаро корпорацияларнинг глобал иқтисодиётга таъсири. Молия-саноат гуруҳлари - жаҳон иқтисодиёти тизимида. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлардаги Молия-саноат гуруҳлари фаолияти. МДХ доирасидаги халқаро молия-саноат гуруҳлари.

### **25. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг замонавий жаҳон иқтисодиётидаги роли. Офшор ҳудудлари**

Миллий иқтисодиётларда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил қилиш сабаблари ва мақсадлари. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг асосий турлари ва уларнинг ташкил қилиш босқичлари. Жаҳон мамлакатларида эркин иқтисодий ҳудудлар фаолиятининг ўзига хос ривожланиш хусусиятлари. Жаҳон хўжалигида эркин иқтисодий ҳудудларнинг ташкил топиши ва уларнинг фаолиятини Хитой тажрибаси. Жаҳон хўжалигида “Чўл устида қурилган ЭИҲлар” фаолиятининг Бирлашган Араб Амирликлари тажрибаси. Офшор ҳудудлар ва офшор бизнеси, уларнинг жаҳон иқтисодиётидаги ўрни ва роли. Эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этишнинг халқаро тажрибаси.

### **26. Халқаро иқтисодий ташкилотлар, уларнинг замонавий жаҳон хўжалигидаги ўрни**

Халқаро ташкилотларнинг асосий кўринишлари ва фаолияти. Халқаро ташкилотларнинг замонавий жаҳон хўжалиги тизимидаги ўрни. БМТ тизимидаги халқаро иқтисодий ташкилотлар. БМТ тизимидаги валюта-

молия ташкилотлари. Халқаро валюта фонди. Жаҳон банки гуруҳи. Минтақавий ривожлантириш банклари. Халқаро меҳнат ташкилоти. Жаҳон савдо ташкилоти. Халқаро туризм ташкилоти. Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти. Жаҳон товарлар бозорини тартибга солиш буйича халқаро иқтисодий ташкилот. Бизнес фаолиятини тартибга солувчи халқаро ташкилотлар. Ислом молияси ва Ислом тараққиёт банки. Бошқа халқаро ташкилотлар. Осиё тараққиёти банки ва Ўзбекистон муносабати. Ўзбекистон ва Жаҳон савдо ташкилоти: аъзо бўлишдаги ютуқ ва камчиликлар.

## **27. Жаҳон иқтисодиётида халқаро иқтисодий интеграция жараёнлари**

Халқаро иқтисодий интеграциянинг моҳияти, шакллари ва ривожланиш босқичлари. Минтақавий иқтисодий бирлашмалар. Ғарбий Европа иқтисодий интеграцияси. Европа иттифоқи. ЕИнинг замонавий институтлари тизими. Европа иттифоқида вужудга келаётган замонавий муаммолар. Brexit асосий сабаблари. Шимолий Америка эркин савдо ассоциацияси (НАФТА). МДҲ маконида интеграция жараёнларининг ривожланиши. ЕвроОсиё Иқтисодий Иттифоқи. АСЕАН ташкилотининг ташкил қилиниши, мақсад ва вазифалари ҳамда иқтисодий салоҳияти. Евроосиё мамлакатларининг интеграциялашувида “Бир макон – бир йўл” стратегиясининг аҳамияти. 2020 йилда бўлиб ўтган жаҳон халқаро ташкилотларининг онлайн Саммитлари ва уларнинг асосий хусусиятлари.

## **28. Жаҳон хўжалигида вужудга келган Пандемиянинг миллий иқтисодиётлар ривожига таъсири**

Пандемиянинг жаҳон иқтисодиёти ва миллий иқтисодиётлар ривожига таъсири. “COVID-19”нинг жаҳон хом ашё бозорларига “зарбаси”. “COVID-19”нинг жаҳон аграр соҳаси ва озиқ-овқат хавфсизлигига таъсири. Пандемия шароитида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортининг салоҳияти. Халқаро ташкилотлар ва ривожланган мамлакатларнинг миллий иқтисодиётларни соғломлаштириш чора-тадбирлари. Пандемиянинг Ўзбекистон миллий иқтисодиёти ривожига таъсири ва инқирозга қарши курашиш чора-тадбирлари. Жаҳон ҳамжамиятининг “COVID-19” инқирозига қарши олиб бораётган иқтисодий сиёсати.

## ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### Асосий адабиётлар

1. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон Стратегияси. Т.: Ўзбекистон. 2021йил. -464 б.
2. Исмаилова Н.С., Шагазатов У.У. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик. –Т.: IQTISODIYOT, 2019. -244 б.
3. Исламов Б.А., Шодиев Р.Х., Исмаилова Н.С., Шодиева З.Т., Ёзиев Ғ.Л. Халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик. – Т.: IQTISODIYOT, 2019. – 262 б.
4. Булатов А.С. Мировая экономика и международные экономические отношения. Учебник. – Москва: КНОРУС, 2017. -916 с.
5. Хасбулатов Р.И. Международные экономические отношения: учебник для бакалавров. –М.: Издательство Юрайт, 2017. -910 с.
6. Ваҳобов А.В. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар: дарслик/А.В. Ваҳобов, Д.А. Таджибаева, Ш.А. Хажикакиев. – Тошкент: Бактрия пресс, 2015. 584 б.
7. Paul R. Krugman, Maurice Obstfeld, and Marc J. Melitz International Economics: THEORY & POLICY. ELEVENTH EDITION, published by Pearson Education © 2018.
8. Президент Янги Ўзбекистон стратегияси ҳақида маълум қилди <https://kun.uz/news/2021/09/09/prezident-yangi-ozbekiston-strategiyasi-haqida-malum-qildi>

### Қўшимча адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - Т.: Ўзбекистон, 2021. -46 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, 2019 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 февралдаги “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисидаги” 604-сонли қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.01.2020 ПҚ-4563-Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида.
5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил яқунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.
6. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. - Тошкент: Ўзбекистон, 2016.- 56 б.

7. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь / Ш.М. Мирзиёев.-Тошкент: “Ўзбекистон”,2017. 48 б.
8. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга кўрамиз. Мазкур китобдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 1 ноябрдан 24 ноябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчилари вакиллари билан ўтказилган сайловолди учрашувларида сўзлаган нутқлари ўрин олган./ Ш.М.Мирзиёев.-Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. 488 б.
9. Мирзиёев, Шавкат Миромонович Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз /Ш. М. Мирзиёев. – Тошкент : Ўзбекистон, 2017. - 592 б.
10. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида Фармони. 07.02.2017  
Мирзиёев Ш.М. «Ургут», «Ғиждувон», «Кўқон» ва «Хазорасп» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. 2017 йил 12 январ
11. Isadjanov A.A., Ismailova N.S. Jahon iqtisodiyotining globallashuvi. O’quv qo’llanma. –Т.: «IQTISODIYOT», 2019. – 154 б.
12. Me Connell, Brue. Economics. 17<sup>th</sup> edition. Mcgraw-hill/Irwin, USA, 2014.
13. N. Gregory Mankiw. Principles of Economics, 7th edition. Amazon, USA 2016.
14. Алимов А.М. Глобаллашув ва минтақавий иқтисодий интеграция жараёнлари. Ўқув қўлланма. Т.: - “Extremum-press” МЧЖ, 2016 й. -251 б.
15. Бородулина Л. Международные экономические организации. Учеб.пособие. Москва: Магистр: Инфра-М, 2013. -368 б.

### **Интернет сайтлари**

[www.wto.org](http://www.wto.org).  
[www.gatt.org](http://www.gatt.org).  
[www.wb.org](http://www.wb.org).  
[www.eurostat.org](http://www.eurostat.org)  
[www.oecd.org](http://www.oecd.org).  
[www.cma.de](http://www.cma.de).  
[www.altawista.com](http://www.altawista.com)  
[www.unido.org](http://www.unido.org)  
[www.unctad.org](http://www.unctad.org).  
[www.ec.org](http://www.ec.org).  
[www.imf.org](http://www.imf.org).  
[www.cer.uz](http://www.cer.uz)

